

2020 йилнинг январь-декабрида чакана товар айланмаси 6 604,6 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,4 фоизни ташкил этди.

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича  
чакана товар айланмаси**

	млрд. сўм	2019 йил январь-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>6 604,6</b>	<b>102,4</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:</i>			
давлат мулки	-	-	-
нодавлат мулки	6 604,6	102,4	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	3 602,6	103,3	54,5

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2020 йилнинг январь-декабрида 3002,0 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,0 фоизни ташкил этган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-декабрь ойларида 3 602,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,3 фоизга ўсди.

**2020 йилнинг январь-декабрида чакана савдо айланмаси таркиби**

	млрд. сўм	2019 йил январь-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>6 604,6</b>	<b>102,4</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
савдо корхоналари	3 002,0	101,0	45,5
Якка тартибдаги тадбиркорлик	3 602,6	103,3	54,5
<i>шундан:</i> уюлмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)	657,1	79,1	9,9

## Уюшмаган савдо товар айланмаси

4,0 млрд.сўм



Тузламалар

5,4 млрд.сўм



Қуритилган қишлоқ  
хўжалиги маҳсулотлари  
(янғок, бодом, писта ва  
бошқаларни қўшган ҳолда)

3,8 млрд.сўм



Зироварлар

2,6 млрд.сўм



Гуллар, ўсимлик ва  
ниҳол кўчатлари  
(манзарали ва қишлоқ  
хўжалиги)

15,0 млрд.сўм



Сут ва сут  
маҳсулотлари

9,3 млрд.сўм



Тухум

17,6 млрд.сўм



Товуқ гўшти

6,2 млрд.сўм



Чорва моллари ва  
паррандалар учун ҳар  
хил ем-ҳашаклар

105,9 млрд.сўм



Янги узилган қишлоқ  
хўжалиги маҳсулотлари

13,0 млрд.сўм




Нон ва нон  
маҳсулотлари

2020 йилнинг январ-декабрь ойларида Республиканинг барча ҳудудларида жойлашган деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотувчи жисмоний шахсларнинг танлама кузатуви ўтказилди. Кузатув натижаларига кўра савдо айланмаси ҳажми 243,1 млрд. сўмни ташкил этди. Бунда асосий йирик ҳажм янги узилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосига (105,9 млрд. сўм) тўғри келди.


## УЮШМАГАН САВДО ТОВАР АЙЛАНМАСИ: ЧОРВА (ПАРРАНДА) БОЗОРЛАРИ

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида Республиканинг барча ҳудудларида жойлашган чорва (парранда) бозорларида паррандалар ва чорва молларини сотувчи жисмоний шахслар танлама кузатуви ўтказилди. Кузатув натижаларига кўра савдо айланмаси ҳажми **414,0** млрд. сўмни ташкил этди. Бунда ҳар хил ёшдаги қора моллар савдоси **282,1** млрд. сўмни, қўй ва эчкилар **47,4** млрд. сўмни, отлар **2,3** млрд. сўмни, паррандалар **3,8** млрд. сўмни ташкил этди. Савдо айланмасининг тўлиқ таркиби кўйдаги кўрсаткичларда ўз аксини топган:




## Улгуржи савдо товар айланмаси

### Асосий таркиб, фоизда



Йирик  
корхоналар



Микрофирма ва  
кичик корхоналар

Республика буйича 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида улгуржи савдо товар айланмаси **1 851,2** млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йил январь-декабрь ойларига нисбатан **1,9** % га камайди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг савдо товар айланмаси **662,2** млрд. сўмни (ўзгариш суръати **92,0** %), кичик бизнес субъектларининг савдо товар айланмаси **1189,0** млрд. сўмни (**1,8** % га ўсиш) ташкил этди.

Ўсиш (ўзгариш) суръатлари, фоизда



Савдо айланмаси ҳажми ва улуши




Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 154,4 млрд. сўмни ташкил этиб 2019 йилнинг январь-декабрига нисбатан 95,5 фоизни ташкил этди.

Чакана савдо (умумий овқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) товар айланмаси аҳоли жон бошига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,7 фоиз бўлиб 3 455,9 минг сўмни ташкил этди.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида чакана савдо товар айланмаси 6 450,2 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 фоизга кўпайди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 633,3 млрд. сўмни (ўсиш суръати 80,1 %), кичик тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 5816,9 млрд. сўмни (ўсиш суръати 105,9 %), шундан уюшмаган савдо товар айланмаси 657,1 млрд. сўмни (ўсиш суръати 79,1 %) ташкил этди.

Январь-декабрь ойларида чакана савдо товар  
айланмаси ҳажми, (млрд. сўм)




Чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушига эга бўлган Нукус шаҳри (Республика бўйича жами товар айланмаси ҳажмидаги улуши 32,3 %), Хўжайли (10,1 %), Тўрткўл (9,1 %), Беруний (8,4 %) ва Кўнғирот (7,2 %) туманлари чакана савдо товар айланмасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

Чакана савдо товар айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг товар айланмаси ҳажми 657,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 83,1 фоизни ташкил этди. Бу эса умумий савдо ҳажмининг 10,0 % улушига тўғри келади.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо товар айланмаси ҳажми статистик ҳисоб-китобларга кўра, 5 947,3 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 5,1 фоизга кўпайди. Республика миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши 90,0 фоизга тенг келмоқда.

**Чакана савдо товар айланмаси таркиби,**  
(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)



Кичик тадбиркорлик ва йирик корхоналарнинг  
чакана савдо товар айланмаси ҳажми

	йирик корхоналар (млрд.сўм)	ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да	кичик тадбиркорлик (млрд.сўм)	ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>657,3</b>	<b>83,1</b>	<b>5 947,3</b>	<b>105,1</b>
Нукус ш.	498,5	82,0	1 634,4	110,5
<i>туманлар:</i>				
Амударё	20,9	88,0	421,1	104,0
Беруний	15,9	113,0	536,2	102,0
Бўзатов	0,5		38,6	100,6
Қонликўл	0,4	111,3	150,0	102,3
Қораўзак	1,3	149,3	185,9	102,5
Кегейли	1,0	138,5	157,9	102,1
Кўнғирот	42,3	249,4	431,6	96,9
Мўйноқ	0,5	65,5	48,4	102,0
Нукус	1,4	178,7	108,0	101,4
Тахиатош	16,1	59,2	135,0	112,1
Тахтакўпир	2,0	74,8	141,4	102,7
Тўрткўл	23,9	43,1	576,2	109,2
Хўжайли	12,1	91,6	655,0	101,9
Чимбой	9,3	48,8	241,5	107,3
Шуманай	0,9	95,3	137,7	102,6
Элликқалъа	10,3	155,1	348,3	101,5

2020 йил январь-декабрь ойларида чакана савдо товар айланмасида кичик тадбиркорлик субъектларининг ўсиш суръати бўйича Тахиатош (112,1 %), Нукус шаҳри (110,5 %), Тўрткўл (109,2 %) ва Чимбой (107,3 %) туманларида юқори даражада бўлди. Чакана товар айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг улуши 10,0 фоизни ташкил этиб, йирик корхоналарнинг энг катта улуши Нукус шаҳрида (23,4 %), Тахиатош (10,6 %) ва Кўнғирот (8,9 %) туманларида кузатилди.